«ORBIT» ва «ORBIT DROPS» товар белгиларининг алмаштириш даражасигача ўхшашлиги жуда юқори, чунки бир белгининг бошқасига кириши кузатилмоқдаки, бу «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказишга талабнома тузиш, топшириш ва қўриб чиқиш Қоидалари» (кейинги ўринларда – Қоидалар)нинг 107-бандига мос келади. Бундан ташқари, «ORBIT DROPS» сўз бирикмасидаги асосий ва энг кучли таркибий қисм «ORBIT» сўзидир, айнан шу сўз ушбу товар белгисини фарқлашга энг кўп таъсир кўрсатади.

Шундан кейин, апелляция берган шахс баҳслашилаётган MGU 17063-рақамли гувоҳнома ва ҳимояланаётган 826- ва 779272-регистрациялар бўйича товарларнинг Қоидалар, хусусан, унинг 114-бандига мувофиқ турдошлиги таҳлилин келтиради. Унга кўра:

«Товарлар турдошлиги ўрнатилганда истеъмолчида бу товарлар битта ишлаб чиқарувчига тегишли эканлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлиш имконияти аниқланади.

Товарлар турдошлигини ўрнатиш учун товарларнинг нави (тури), уларнинг ишлатилиш йўналиши, улар тайёрланган материал тури, товарларнинг бир-бирини тўлдириш ёки ўриндошлик даражаси, уларни сотиш шарт-шароитлари, истеъмолчилар доираси ва бошқа белгилар эътиборга олинади».

Ушбу товарлар истеъмолчилари инсонлардир. Юқорида санаб ўтилган барча товарлар инсон гигиенаси учун мўлжалланган, оғиз бўшлиғи, инсон танаси ва организмнинг бошқа қисмларига ижобий таъсир кўрсатувчи моддалардан тайёрланган. Кўпинча ушбу маҳсулотлар таркиби ширинлаштирувчи (сахарин ва унинг ҳосилалари), қуюқлаштирувчи, абразив (карбонат кальций), хушбўйлаштирувчи моддалар, консервант-антисептиклар ва бошқалардан иборат бўлади. Шундай қилиб, 03- ва 21-синфлар товарлари таркибига ҳамда чайналадиган сақичлар таркибига жуда кўп бир хил компонентлар кириши уларни алмаштириш даражасигача ўхшаш қилади.

Чайналадиган сақичлар ва юқорида тилга олинган товарлар, жумладан, “тиш чўткалари, электр тиш чўткалари, чўткалар”нинг ўзаро алмашиниши ёки бир-бирини тўлдириши энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Уларнинг ўзаро алмашиниши ёки бир-бирини тўлдириш хоссалари яққол кўриниб турибди. Ҳақиқатан ҳам, аҳолининг аксарият қисми, одатга кўра, эрталаб ва кечқурун тиши ҳамда оғиз бўшлиғини тозалаш учун тиш чўткалари, электр тиш чўткалари ва чўткалардан фойдаланади, кун давомида эса, овқатлангандан кейин кўпинча чайналадиган сақич истеъмол қилади. Икки ёшгача

бўлган болаларни истисно қилганда, Ўзбекистоннинг деярли барча аҳолиси ушбу товарлар истеъмолчиларидир.

Қайд этилган, ҳимоя қилинаётган ҳамда баҳслашилаётган регистрациялар бўйича барча товарлар кенг истеъмол товарлари ҳисобланади. Шунинг учун кўп харид қилинади ва уларга талаб катта. Юқорида эслатилган ва баҳслашилаётган «ORBIT» товар белгиси билан таъминланган MGU 17063-рақамли гувоҳнома товарларини сотиб олаётган истеъмолчи битта ишлаб чиқарувчи, яъни Wm.Wrigley Jr. Company, US компанияси маҳсулотини харид қилаётганига тўлиқ ишонч ҳосил қилади.

«Тиш чўткалари, электр тиш чўткалари, чўткалар» товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифи (кейинги ўринларда ТХХТ)нинг 21-синфига, «чайналадиган сақичлар» ТХХТнинг 03-синфига тегишли бўлса-да, улар турдошдирлар, классификатордаги бўлимлар – чегарадош ҳисобланади.

Кўрилатган апелляцияда, товарлар, чунончи, чайналадиган сақичлар ҳамда 03- ва 21-синфлар кенг истеъмол товарларининг сотилиш жойларини инобатга олиб, шуни таъкидлаш мумкинки, ушбу товарларнинг барчаси дорихоналар, супермаркетлар, гастронимларнинг инсон гигиенаси ва маиший товарлар бўлимларида сотилади. Шундай қилиб, товарни сотиб олаётган истеъмолчи битта ишлаб чиқарувчининг маҳсулотини харид қилаётганга ишонади. Натижада Wm.Wrigley Jr. Company, US фирмаси ва «POLYMER BUSINESS GROUP» МЧЖ, UZ товарлари аралашиб кетади. Бу товар белгисининг асосий – бир ишлаб чиқарувчи товарларини бошқа ишлаб чиқарувчининг турдош товарларидан ажратиш функциясини бузади.

Бундан ташқари, апелляция берган шахснинг таъкидлашича, «КЛИН-КОСМЕТИКА» ҚК томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилаётган тиш пастаси (бу компания уни ишлаб чиқариш ва сотишга рухсатни «POLYMER BUSINESS GROUP» МЧЖ, UZ фирмасидан олган) чайналадиган «ORBIT» сақичининг машхур ўрами билан бир хил, чунки у ORBIT маҳсулоти ўрамига ўхшатиб тайёрланган.

Тиш пастаси ўрамида «ORBIT» чайналадиган сақичи ўрамининг асосий элементларидан нусха кўчирилган тиш пастаси ўрами устида баҳслашаётган регистрациянинг бундай ишлатилиши апелляция белгисини ва баҳслашаётган белгиларни жуда ўхшаш қилиб қўяди, товарлар эса ажратиш хоссаларига эга эмас ва товар ишлаб чиқарувчиси бўйича истеъмолчини янглиштиради.

Бинобарин, юқорида санаб ўтилган талабнома берилган ва қарама-қарши қўйилаётган товарлар учун турли ишлаб чиқарувчилар томонидан бир хил ёки аралаштириб юборадиган даражада ўхшаш товар белгиларидан фойдаланиш туфайли истеъмолчида ушбу товарлар битта ишлаб чиқарувчига тегишли деган тушунча ҳосил бўлиши, бу товарлар турдош деб қаралиши мумкин.

Апелляция берган шахс апелляция кенгашидан юқоридагиларни ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддаси, 1-сўзбошиси меъёрларига амал қилиб, «POLYMER BUSINESS GROUP» МЧЖ, UZ эгасининг «ORBIT» товар белгисига MGU 17063-сонли гувоҳномасининг 03- ва 21-синфлар товарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилишини ноқонуний деб эътироф этишни сўрайди. Негаки, унинг берилиши «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси, 13-бандига хилоф равишда амалга оширилган.

III. Баҳслашилаётган товар белгиси эгасининг вакили К.А.Абдужабборов берилган апелляция билан ўрнатилган тартибда танишиб чиқиб, ўз хулосаси ва оғзаки чиқишида апелляция далилларига қўшилмаслигини изҳор қилди ва қуйидагиларни таъкидлади:

— Wm. Wrigley Jr. Company, US компанияси томонидан пардоз-андоз мақсадларидаги чайналадиган сақични ТХХТнинг 03-синфида рўйхатга олинишини ноқонуний деб ҳисоблаймиз. Чунки ТХХТ 03-синфининг ҳеч бир версияси чайналадиган сақич бўлимини ўз ичига олмаган, у қандолат маҳсулоти бўлиб, ўрни 30-синфда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 30-синфга киритилган чайналадиган сақич бўлими пардоз-андоз учун товарлар тоифаси билан боғлиқ бўлмаган товарни кўрсатади. 30-синф товарлари озик-овқат маҳсулотларининг таъм сифатини ошириш учун фойдаланиладиган озик-овқат маҳсулотлари ва ёрдамчи қўшимчаларга, 03-синф товарлари эса, тери, соч, тишларни гигиеник парваришлаш мақсадида ишлатиладиган пардоз-андоз товарлари тоифасига киради. Қолверса, ушбу товарлар тайёрланган материаллар, ишлаб чиқариш ва ушбу товарларни чакана савдо тармоқларида сотиш шарт-шароитлари ҳам турличадир.

Товар ишлаб чиқарилган материал бўйича:

чайналадиган сақичлар озик-овқат маҳсулотларидан, тиш пастаси эса ичга ютиш маън қилинган кимёвий препаратлардан тайёрланади.

Товарларни ишлатиш йўналишлари бўйича:

тиш пастаси даволаш-профилактика мақсадлари учун мўлжалланган, чайналадиган сақич эса, еб бўлмайдиган эластик (чўзилувчан) асос, турли таъм ва хидли кўшимчалардан таркиб топган конфетнинг бир туридир.

Товарларни сотиш шароитлари бўйича:

тиш пастаси бошқа пардоз-андоз воситалари билан бирга, чайналадиган сақич эса бошқа кандолатчилик маҳсулотлари ва озиқ-овқатлар билан бирга ўзга савдо пештахтасида сотилади.

Шундай қилиб, истеъмолчиларнинг кўзи олдида товарлар аралашиб кетмайди. Демак, ўхшаш маркировканинг тиш пастаси ва чайналадиган сақичда бўлиши истеъмолчи тиш пастаси ўрнига чайналадиган сақични харид қилишига олиб келмайди.

Тиш пайлари заифлашганда ва пародонтозда чайналадиган сақич тишларнинг ва тиш пломбаларининг тушишига олиб келиши мумкин. Реклама роликларида эса чайналадиган сақич оғиз бўшлигини тозалашнинг энг яхши воситаси сифатида тақдим этилади, бироқ бу фикрга стоматологлар кўшилмайдилар.

AMG 2011 005 апелляциясидаги ТХХТнинг 03-, 21-, 30-синфлари товарларининг турдошлиги ҳақидаги нуктаи назар Wm. Wrigley Jr. Company, US компанияси рекламасидан олинган. Реклама материаллари субъектив характерга эга, маҳсулотни тижорий тарғибот қилишга йўналтирилган ва чайналадиган сақичнинг ҳақиқий хоссалари ва мақсадини акс эттирмайди. Юқоридагиларга асосан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ушбу 03- ва 30-синфлар товарларини турдош деб бўлмайди. Апеллянт даъволари асосланмаган ва энг асосийси, моҳиятан нотўғридир.

Баҳслашилаётган товар белгиси эгасининг вакили юқоридагилардан келиб чиқиб, апелляция кенгашидан апеллянт даъвосини рад этишни ва асосланмаган, исботсиз апелляцияни қайтаришни сўрайди. Ўз хулосасини асослашда қуйидаги ҳужжатларга таянади:

Апелляция кенгаши томонидан 30- ва 03-синфлар (чайналадиган сақич ва тиш пастаси) товарларининг турдош эмаслигини аниқлаш бўйича 2009 йил 16 мартда AMG 2008 017-рақамли қарор қабул қилинган. Шунингдек, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 15 октябрдаги 104 916/14454-сонли иш бўйича қарори чиқарилган. Суд апелляция кенгашининг фикрига қўшилган ва уни ўз кучида қолдирган. Бундан ташқари, 2009 йил 10 декабрда иккинчи инстанция суди ҳам апелляция кенгашининг қарорини тўғри деб топган.

«POLYMER BUSINESS GROUP» МЧЖ компанияси вакили Апелляция кенгашидан MGU 17063-рақамли товар белгисига гувоҳноманинг амал қилишига қарши апелляцияни қайтаришни сўради.

IV. Апелляция кенгаши мажлисида давлат экспертизаси вакили экспертиза фикрини баён қилди.

«Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказишга талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш Қоидалари»нинг 3-боби, 19-бандининг 114-параграфига биноан, улар асосида товарлар турдошлиги ўрнатилмайдиган қуйидаги мезонларни ажратиш мумкин:

- Товарлар нави (тури);
- Уларни қўлланилиш мақсади;
- Улар тайёрланадиган материал тури;
- Товарларни сотиш шарт-шароитлари, истеъмолчилар доираси ва бошқа белгилар.

Қарама-қарши қўйилаётган товар белгилари таҳлилини ўтказишда қуйидагиларни эътиборда тутиш керак:

- «ORBIT» ифодаси товарлар ва хизматлар бўйича ахборот бермайди, у ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқариш жойи ва товарларни сотиш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олмаган;

- бундан ташқари, Қонуннинг 26-моддаси, 2-қисмига мувофиқ товар белгисига ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товарлар ва хизматлар билан чегараланган;

- товарлар табиати ёки қўлланиш мақсадига кўра, истеъмолчилар томонидан келиб чиқиши жиҳатидан битта манбага киритилгандагина турдошлик тан олинади. Товарлар турдошлиги ўрнатилганда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинади: товарлар нави (тури), уларнинг истеъмол хоссалари ва функционал қўлланилиши (қўлланилиш ҳажми ва мақсади), улар тайёрланган материал тури, товарларнинг бир-бирини тўлдириши ёки ўзаро алмашилиши, уларни сотиш шароитлари (шу жумладан, умумий сотиш жойи, чакана ёки улгуржи савдо тармоғи орқали сотиш), истеъмолчилар доираси, товарлардан анъанавий ёки асосий фойдаланиш тарзи ва ҳоказолар.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққанда санаб ўтилган мезонлар бўйича товарлар турдошлигини баҳолашда шу нарса яққол кўриниб турибдики, солиштирилаётган товарлар ТХХТнинг бир синфига тегишли, бироқ қўлланиш шакли, усули, қўллаш мақсадлари турличадир. Шу боис улар ўзаро алмашинадиган маҳсулотлар эмас.

V. Апелляция кенгаши иш материалларини ўрганиб чиқиб, апелляция берган шахснинг далилларини ишончга сазовор эмас деб топди.

Хуқуқий база ўз ичига Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказишга талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш Қоидалари»ни (рўйхат № 1988, 2009 йил 29 июль) олган.

Қонуннинг 10-моддаси, 13-бандига ва Қоидаларнинг 4-бандининг н)-бандости бандига мувофиқ, хусусан, Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига аввал рўйхатдан ўтган ёки рўйхатдан ўтказишга талабнома берилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофазаланадиган ёки турдош товарларга нисбатан барвақт устуворликка эга бўлган товар белгилари билан бир хил ёки алмаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган ифодалар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди.

Қоидаларнинг 106-бандига мувофиқ, сўзли ифодаларнинг ўхшашлиги товушли (фонетик), график (визуал) ва мазмун-моҳиятига кўра бўлиши мумкин ва Қоидаларнинг 107-109-бандларида баён этилган белгиларнинг мос тушиши асосида аниқланади.

Қоидаларнинг 114-бандига мувофиқ, товарларнинг турдошлиги ўрнатилганда истеъмолчида ушбу товарларнинг битта ишлаб чиқарувчига тегишли эканлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлиши имконияти аниқланади.

Апелляция берган шахс ўз апелляциясида товар белгилари сўзли элементларининг бир хиллиги ва алмаштириб юборадиган даражада ўхшашлиги бўйича қатор далилларни олға сурган. Бироқ, юқорида айтиб ўтилган меъёрларга биноан, товарлар турдош бўлиши керак. Апелляция кенгаши товарлар турдошлигини ўрнатишда Қоидаларнинг 114-бандидан келиб чиқди. Хусусан, товарларнинг турдошлигини ўрнатиш учун товарларнинг нави (тури), уларни қўлланиш мақсади, улар тайёрланган материал тури, уларни сотиш шарт-шароитлари, истеъмолчилар доираси ва бошқа белгилар эътиборга олинади.

1. Апелляция кенгаши MGU 17063-гувоҳномасининг 03-, 21-синфлар товарлари ва 779272-рақамли халқаро регистрация 03-синф, MGU 826-рақамли гувоҳномасининг 30-синф товарларининг нав белгиларига кўра турдошлиги бўйича улар турдош эмас, деган хулосага келди. Бунга ушбу товарларнинг турли навларга тегишли эканлиги асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, 03-синф товарлари кимёвий ва пардоз-андоз товарларига, 21-синф товарлари уй-рўзгор анжомларига, қарама-қарши қўйилаётган 03-, 30-синфлар товарлари (чайналадиган сақич) озик-овқат маҳсулотларига тегишлидир.

2. Апелляция кенгаши «Қўлланилиш мақсади» турдошлик белгиси бўйича апелляция берган шахснинг далилларини ишончли эмас деб топди. 03-синф товарлари оқартириш, кир ювиш, тозалаш ва даволаш-профилактика мақсадлари учун, 21-синф товарлари уй шароитида ишлатиш учун мўлжалланган, 03-, 30-синфлар товарлари (чайналадиган сақич) тоза ҳаво олиш (нафасни тозалаш) ва кўнгил очиш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

3. Апелляция кенгаши «Товарлар тайёрланадиган материал тури» белгиси бўйича шу фикрга келдики, баҳсга сабабчи бўлган ва қарши қўйилаётган белгилар товарларининг таркиби бир хил эмас, чунки улар ҳар хил турларга тегишли ва қўлланиш мақсади ҳам турличадир.

4. «Товарларни сотиш шарт-шароитлари» белгиси бўйича, гарчи ушбу синф товарлари бирга сотилиши мумкин бўлса-да, улар асосан турли савдо тармоқларида сотилади. 03-синф товарлари кўпинча пардоз-андоз маҳсулотлари дўконлари, 21-синф товарлари хўжалик моллари дўконлари орқали савдога чиқарилади. 03-, 30-синфлар (чайналадиган сақич) товарлари эса озик-овқат дўконларининг қандолатчилик маҳсулотлари бўлимида сотилади.

Апелляция кенгаши апелляция берувчининг тиш пастаси ва чайналадиган сақич ушбу белги бўйича турдош деган фикрига қўшилмайди. Ушбу товарлар битта савдо шохобчасида, лекин ҳар хил жойда сотилиши мумкин, яъни тиш пастаси бошқа пардоз-андоз воситалари, чайналадиган сақич эса бошқа савдо пештахтасида озик-овқат маҳсулотлари билан бирга сотилади. Шунингдек, Апелляция кенгаши апелляцияда кўрсатилган товарлар турдошлигини муҳокама ва таҳлил қилиб шундай фикрга келдики, тиш чўткалари, электр тиш чўткалари, чўткалар ва чайналадиган сақич турдош эмасдир.

Апелляциядаги «ORBIT» логотипига Wm. Wrigley Jr. Company компанияси муаллифлик ҳуқуқларини муҳофазалаш ва виждонсиз рақобатга тегишли масалалар эътиборга олинмайди, чунки улар ЎЗР ИМА Апелляция кенгаши ваколатига кирмайди.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 10 ва 24-моддаларига асосланиб, Апелляция кенгаши

ҚАРОП ҚИЛАДИ:

1. «ORBIT» товар белгисига Ўзбекистон Республикасининг MGU 17063-сонли гувоҳномасини қонуний кучга эга эмас деб эътироф этиш ҳақида Wm.Wrigley Jr. Company, US томонидан тақдим этилган апелляция талабларини қаноатлантириш рад этилсин.

2. «ORBIT» товар белгисига Ўзбекистон Республикасининг MGU 17063-сонли гувоҳномаси ўз кучида қолдирилсин.

Решение Апелляционного совета от 28.10.2011 г., принятое по результатам рассмотрения апелляции, поданной Wm.Wrigley Jr. Company, US, о признании недействительным свидетельства Республики Узбекистан № MGU 17063 на товарный знак «ORBIT»

I. Товарный знак по свидетельству № MGU 17063 зарегистрирован в Государственном реестре товарных знаков 15.08.2008 г. с приоритетом от 27.12.2007 г. на имя ООО «POLYMER BUSINESS GROUP» в отношении товаров 03, 21 класса МКТУ.

II. Лицо, подавшее апелляцию, возражает против действительности свидетельства № MGU 17063 на товарный знак «ORBIT» на основании того, что данный товарный знак является сходным до степени смешения с ранее зарегистрированным товарным знаком «ORBIT» по свидетельству Республики Узбекистан № 826 в отношении однородных товаров 30 класса - жевательная резинка и ранее зарегистрированным товарным знаком «ORBIT DROPS» по международной регистрации № 779272 на имя Wm.Wrigley Jr. Company в отношении товаров 03 - кондитерские изделия для косметического использования, в частности жевательные резинки, пастилки, леденцы, карамели, конфеты и драже для рассасывания для косметических целей.

Таким образом, по мнению лица, подавшего апелляцию, регистрация товарного знака по свидетельству MGU 17063 с приоритетом от 27.12.2007 года на товарный знак «ORBIT» была произведена с нарушениями норм ст. 10 п. 13 Закона Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров».

Далее лицо, подавшее апелляцию, приводит свои доводы, отраженные в апелляции.

Схожесть до степени смешения товарных знаков «ORBIT» и «ORBIT DROPS» очень высокая, поскольку имеется вхождение одного знака в другой, что подпадает под действия п. 107 Правил. Кроме того, доминирующим и сильным элементом в словосочетании «ORBIT DROPS» является слово «ORBIT», поскольку именно это слово наиболее влияет на различительную способность данного товарного знака.

Далее лицо, подавшее апелляцию, приводит анализ однородности товаров оспариваемого свидетельства MGU 17063 и защищаемых регистрации № 826 и 779272 в соответствии с Правилами, в частности, п. 114 Правил, которая гласит: «При установлении однородности товаров определяется принципиальная возможность возникновения у потребителя представления о принадлежности этих товаров одному производителю. Для установления однородности товаров принимается во внимание род (вид) товаров, их назначение, вид материала, из которого они изготовлены, взаимодополняемость либо взаимозаменяемость товаров, условия их реализации, круг потребителей и другие признаки».

Потребителями этих товаров являются люди. Все вышеперечисленные товары предназначены для гигиены человека, изготовлены из веществ, благоприятно влияющих на полость рта, тело и другие части человека. Чаще всего в состав этих продуктов входят подслащивающие вещества (сахарин и его производные), загустители, абразивные вещества (карбонат кальция), ароматические вещества, консерванты-антисептики и пр. Таким образом, состав товаров 03 и 21 классов и состав жевательных резинок содержит очень много одинаковых компонентов, что делает их схожими до степени смешения.

Немаловажным фактором является взаимозаменяемость или взаимодополняемость жевательных резинок и вышеперечисленных товаров, в частности «щетки зубные; щетки зубные электрические; щетки». Факт взаимозаменяемости или взаимодополняемости этих товаров очевиден. Действительно, большая часть населения по утрам и вечерам использует щетки зубные; щетки зубные электрические и

щетки для чистки зубов и полости рта, как правило, утром и вечером, а в течение дня употребляет жевательную резинку постоянно, как минимум после принятия пищи. Потребителями этих товаров является практически все население Узбекистана, за исключением детей до 2 лет.

Все вышеперечисленные товары по регистрациям, как защищаемой, так и оспариваемой, являются товарами широкого потребления, используются несколько раз в день населением Узбекистана и поэтому часто покупаются и имеют широкий спрос. При покупке вышеуказанных товаров оспариваемого свидетельства MGU 17063, снабженных товарным знаком «ORBIT», потребитель полностью уверен в том, что покупает продукцию одного и того же производителя - Wm. Wrigley Jr. Company, US.

Несмотря на то что товары «щетки зубные; щетки зубные электрические; щетки» относятся к 21 классу МКТУ, а товары «жевательные резинки» - к 03 классу МКТУ, они являются однородными, а рубрики этих классов - смежными.

В рассматриваемой апелляции, принимая во внимание место продажи товаров, а именно жевательных резинок и товаров широкого потребления 03 и 21 класса по свидетельству MGU 17063, можно констатировать, что все эти товары реализуются в аптеках, супермаркетах, гастрономах и пр., в отделах, предназначенных для гигиены человека и бытовых товаров. Таким образом, при покупке товара потребитель будет полностью уверен, что приобретает товары одного и того же производителя, и тем самым товары фирм Wm. Wrigley Jr. Company, US и ООО «POLYMER BUSINESS SGROUP», UZ, смешиваются, что нарушает основную функцию товарного знака - отличать товары одного производителя от однородных товаров другого производителя.

Кроме того, лицо, подавшее апелляцию, сообщает, что зубная паста, произведенная и реализуемая ДП «КЛИН-КОСМЕТИКА», которая в свою очередь получила разрешение на производство и реализацию от ООО «POLYMER BUSINESS GROUP», UZ, идентична с известной упаковкой жевательной резинки ORBIT, так как она имитирует отличительные черты упаковки продукции ORBIT.

Такое использование оспариваемой регистрации на упаковке зубной пасты, в которой копируются основные элементы упаковки жевательной резинки «ORBIT», еще в большей степени делает схожими знак аппеллянта и оспариваемый знак, а сами товары не обладают различительной способностью и вводят потребителя в заблуждение относительно производителя товара.

В рассматриваемой ситуации в результате применения тождественных или сходных до степени смешения товарных знаков разными изготовителями для перечисленных выше заявленных и противопоставленных товаров у потребителя может возникнуть представление о принадлежности этих товаров одному изготовителю. Следовательно, эти товары могут рассматриваться как однородные.

Лицо, подавшее апелляцию, учитывая вышеизложенное и руководствуясь нормами ст. 24 абзац первый Закона Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров» просит Апелляционный совет признать действие свидетельства № MGU 17063 на товарный знак «ORBIT», владельца ООО «POLYMER BUSINESS GROUP», UZ, недействительным на территории Республики Узбекистан в отношении товаров 03 и 21 классов товаров, так как его выдача была осуществлена в нарушении норм п. 13 ст. 10 Закона Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров».

III. Представитель владельца оспариваемого товарного знака Абдужаббаров К.А., ознакомленный в установленном порядке с поданной апелляцией, в своем отзыве и устном выступлении выразил несогласие с доводами апелляции и отметил следующее:

Регистрацию жевательной резинки для косметических целей в 03 классе МКТУ считаем незаконной компанией Wm. Wrigley Jr. Company, US, так как ни в одной из версий МКТУ 03 класс не содержит в своей рубрике жевательную резинку, потому что это кондитерское изделие и его место в 30 классе. Поэтому также можно отметить, что рубрика жевательные резинки, включенная в 30 класс, также указывает на товар, не связанный с категорией парфюмерно-косметических товаров. Товары 30 класса относятся к пищевым продуктам и вспомогательным добавкам, используемым для улучшения вкусовых качеств пищевых продуктов, в то время как товары 03 класса относятся к категории парфюмерно-косметических товаров, используемых с целью гигиенического ухода за кожей, волосами, зубами. Помимо этого различны материалы, из которых произведены эти товары, условия производства и реализация данных товаров в розничной сети.

По материалу, из которого изготовлен товар: жевательные резинки изготавливаются из пищевых продуктов, а зубная паста из химических препаратов - не допустима к употреблению вовнутрь.

По функциональному назначению товаров: зубная паста предназначена для лечебно-профилактических целей, а жевательная резинка - это вид конфеты, который состоит из несъедобной эластичной основы и различных вкусовых и ароматических добавок.

По условиям реализации товаров: зубная паста реализуется вместе с другими косметическими средствами, а жевательная резинка вместе с другими кондитерскими продуктами на другой торговой полке, вместе с другими продуктами питания.

Таким образом, смешения товаров в глазах потребителя не произойдет, следовательно, наличие тождественной маркировки на зубной пасте и жевательной резинке не повлечет за собой ситуацию, когда потребитель вместо необходимой ему зубной пасты приобретет жевательную резинку.

При слабости зубной связки, при пародонтозе резинка может способствовать потере зубов и зубных пломб. В рекламных роликах жевательная резинка преподносится как превосходное средство для очищения полости рта, однако эту точку зрения стоматологи не разделяют.

Утверждение однородности товаров 03, 21, 30 классов МКТУ в апелляции AMG 2011 005 взяты из рекламы компанией Wm. Wrigley Jr. Company, US. Рекламные материалы носят субъективный характер, направленный на коммерческую пропаганду своей продукции и не отражают истинных свойств и предназначения жевательной резинки. Исходя из вышеизложенного, можно сделать вывод, что указанные товары 03 и 30 классов нельзя признать однородными. Доводы апелляции представляются необоснованными и, главное, неверными по сути.

В соответствии с вышеизложенным представитель владельца оспариваемого знака просит Апелляционный совет отказать апеллянту и отклонить как необоснованную бездоказательную апелляцию.

В подтверждение этому ссылаются на следующие документы:

Апелляционным советом принято решение от 16.03.2009 г. в определении неоднородности товаров 30 и 03 классов (жевательная резинка и зубная паста) № AMG 2008 017, а также было принято решение Хозяйственного суда города Ташкента от 15.10.2009 г. дела №104 916/14454. Суд соглашается с мнением Апелляционного совета и оставляет его решение в силе. Также было решение второй инстанции от 10.12.2009 г., где решение Апелляционного совета также было оставлено в силе.

Представитель компании ООО «POLYMER BUSINESS GROUP» убедительно просит Апелляционный совет отклонить апелляцию против действия свидетельства на товарный знак № MGU 17063.

IV. На заседании Апелляционного совета представитель государственной экспертизы изложил мнение экспертизы.

В соответствии с параграфом 114 п. 19 главы 3 «Правил составления, подачи и рассмотрения заявки на регистрацию товарного знака и знака обслуживания» можно выделить следующие критерии, на основании которых устанавливается однородность товаров:

- род (вид) товаров;
- их назначение;
- вид материала, из которого они изготовлены;
- условия сбыта товаров, круг потребителей и другие признаки.

При проведении анализа противопоставленных товарных знаков можно выделить следующее:

- обозначение «ORBIT» не несет информации в отношении товаров и услуг и не содержит сведений о производителе, месте производства и сбыта товаров;
- кроме того, согласно части 2 ст. 26 Закона право на товарный знак ограничено товарами и услугами, указанными в свидетельстве;

• однородность признается по факту, если товары по причине их природы или назначения могут быть отнесены потребителями к одному и тому же источнику происхождения. При установлении однородности товаров должны приниматься во внимание такие обстоятельства: род (вид) товаров, их потребительские свойства и функциональное назначение (объем и цель применения), вид материала, из которого они изготовлены, взаимодополняемость либо взаимозаменяемость товаров, условия их реализации (в том числе общее место продажи, продажа через розничную либо оптовую сеть), круг потребителей, традиционный или преимущественный уклад использования товаров и т. д.

Исходя из вышеизложенного, при оценке однородности товаров по перечисленным критериям налицо, что сравниваемые товары относятся к одному классу МКТУ, но при этом форма, метод применения, цели применения различны, в связи с чем не являются взаимозаменяемыми.

V. Изучив материалы дела, Апелляционный совет находит доводы лица, подавшего апелляцию, необоснованными.

Правовая база включает Закон Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров» от 30.08.2001 г. и «Правила составления, подачи и рассмотрения заявки на регистрацию товарного знака и знака обслуживания» (рег. № 1988 от 29.07.2009 г.).

В соответствии с п. 13 ст. 10 Закона и подпунктом н) п. 4 Правил не регистрируются в качестве товарных знаков обозначения тождественные или сходные до степени смешения, в частности, с товарными знаками, ранее зарегистрированными или заявленными на регистрацию в Республике Узбекистан на имя другого лица, а также охраняемыми в силу международных договоров Республики Узбекистан или обладающими более ранним приоритетом в отношении однородных товаров.

В соответствии с п. 106 Правил сходство словесных обозначений может быть звуковым (фонетическим), графическим (визуальным) и смысловым (семантическим) и определяется на основе совпадения признаков, изложенных в пп. 107-109 Правил.

Согласно п. 114 Правил при установлении однородности товаров определяется принципиальная возможность возникновения у потребителя представления о принадлежности этих товаров одному производителю.

Лицо, подавшее апелляцию, в своей апелляции отразило ряд оснований касательно тождественности и схожести до степени смешения словесных элементов товарных знаков. Вместе с тем согласно вышеуказанным нормам товары должны быть однородными. Апелляционный совет при установлении однородности товаров исходил из п. 114 Правил. Так, для установления однородности товаров принимается во внимание род (вид) товаров, их назначение, вид материала, из которого они изготовлены, условия их реализации, круг потребителей и другие признаки.

1. Относительно однородности товаров 03, 21 классов свидетельства № MGU 17063 и товаров 03 класса международной регистрации № 779272, 30 класса свидетельства № MGU 826 по родовому признаку Апелляционный совет пришел к выводу, что они не являются однородными. Основанием послужило то, что товары указанных классов относятся к разным видам товаров. Так, товары 03 класса относятся к химическим и парфюмерно-косметическим, товары 21 класса относятся к предметам домашней утвари, тогда как противопоставленные товары 03, 30 классов (жевательная резинка) относятся к пищевым продуктам.

2. По признаку однородности «назначение товаров» Апелляционный совет находит доводы лица, подавшего апелляцию, неубедительными. Товары 03 класса предназначены для отбеливания, стирки, чистки и лечебно-профилактических целей, товары 21 класса - для использования в домашних целях. Назначением товара 03 и 30 класса (жевательная резинка) может быть и освежение дыхания и просто развлечение.

3. По признаку «вид материала, из которого изготовлены товары» Апелляционный совет пришел к мнению, что состав товаров оспариваемых и противопоставленных знаков не является идентичным, поскольку сами товары относятся к разным видам и имеют различное назначение.

4. По признаку «условия сбыта товаров», несмотря на то что некоторые товары данных классов могут реализовываться вместе, однако в основном они реализуются в разных торговых точках. Так, товары 03 класса реализовываются в большинстве случаев в парфюмерно-косметических магазинах. Товары 21 класса в хозяйственных магазинах, тогда как товары 30, 03 классов (жевательные резинки) - в магазинах продуктов питания в отделе кондитерских изделий.

Апелляционный совет не согласен с мнением лица, подавшего апелляцию, о том, что зубная паста и жевательная резинка по данному признаку являются однородными. Продажа этих товаров может быть в одной торговой точке, однако в разных местах; так, зубная паста реализуется с другими косметическими средствами, а жевательная резинка с другими кондитерскими продуктами на другой торговой полке, вместе с другими продуктами питания. Также Апелляционный совет, обсуждая и анализируя однородность указанных в апелляции товаров, пришел к единому мнению о том, что щетки зубные; щетки зубные электрические; щетки и жевательные резинки не являются однородными.

Вопросы, касающиеся защиты авторских прав и недобросовестной конкуренции Компании Wm. Wrigley Jr. Company на логотип «ORBIT», поднятые в апелляции, не принимаются во внимание, так как находятся вне компетенции Апелляционного совета АИС РУз.

На основании вышеизложенного и руководствуясь статьями 10 и 24 Закона Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров», Апелляционный совет

РЕШИЛ:

1. Отказать в удовлетворении апелляции компании Wm. Wrigley Jr. Company о признании недействительным свидетельства Республики Узбекистан № MGU 17063 на товарный знак «ORBIT».

2. Оставить в силе свидетельство Республики Узбекистан № MGU 17063 на товарный знак «ORBIT».

«ORBITFRESH»товар белгисига берилган MGU 16961 сонли Ўзбекистон Республикаси гувоҳномасини қонуний кучга эга эмас деб эътироф этиш ҳақида Wm.Wrigley Jr. Company, US томонидан тақдим этилган апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган Апелляция кенгашининг 2011 йил 28 октябрдаги қарори

I. MGU 16961-рақамли гувоҳнома бўйича товар белгиси ТХХТнинг 03-, 16-, 21- ва 32-синфлар товарларига нисбатан 2007 йил 19 июлдаги устуворлик билан товар белгилари Давлат реестрида 2008 йил 29 июлда «STANDART UNIVERSAL PRODUKT» МЧЖ номига рўйхатга олинган.

II. Апелляция берган шахс «ORBITFRESH» товар белгисига MGU 16961-рақамли гувоҳноманинг қонунийлигига шу асосда эътироз билдирадики, ушбу товар белгиси 30-синф турдош товарларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг 826-сонли гувоҳномаси бўйича олдин рўйхатга олинган «ORBIT» товар белгиси ҳамда 03-, 05- ва 30-синфлар турдош товарларига нисбатан Wm.Wrigley Jr. Company номига 779272-рақамли халқаро регистрация бўйича мукаддам рўйхатга олинган «ORBIT DROPS» товар белгиси билан алмаштириш даражасигача ўхшашдир.

Апелляция берган шахс ўз даъвосининг исботи сифатида қатор далилларни келтирган.

Унинг фикрича, «ORBITFRESH» товар белгисига 2007 йил 19 июлдаги устуворлик билан MGU 16961-рақамли гувоҳнома бўйича товар белгисини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси, 13-банди меъёрларига хилоф равишда амалга оширилган.

«ORBIT» ва «ORBITFRESH» товар белгиларининг алмаштириш даражасигача ўхшашлиги жуда юқори. Чунки бир белгининг бошқасига кириши кузатилмоқда. Бу Қоидаларнинг 107-бандига мос келади. Шунингдек, «ORBITFRESH» сўз бирикмасидаги асосий ва энг кучли элемент «ORBIT» сўзи бўлиб, у ушбу товар белгисини ажратиб кўрсатишга энг кўп таъсир кўрсатади. 16-синф товарлари учун «FRESH» сўзини «Янги, оригинал, ўзига хос» деб, сўз бирикмасини эса «ЯНГИ ОРБИТ» ЁКИ «ОРИГИНАЛ ОРБИТ» деб таржима қилиш мумкин. Шу боис истеъмолчи 16-синф товарларини Wm.Wrigley Jr. Company, US компанияси ўз фаолият доирасини кенгайтириб, чиқара бошлаган янги оригинал товар тури деб ҳисоблай бошлайди.

Апелляция берган шахс баҳслашиляётган MGU 16971-рақамли гувоҳнома ва ҳимояланаётган 826- ва 779272-регистрациялар бўйича товарларнинг Қоидалар, хусусан, унинг 114-бандига мувофиқ турдошлиги таҳлилини келтиради. Унга кўра:

“Товарлар турдошлилиги ўрнатилганда истеъмолчида бу товарлар битта ишлаб чиқарувчига тегишли эканлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлиши имконияти аниқланади.

Товарлар турдошлигини ўрнатиш учун товарларнинг нави (тури), уларнинг ишлатилиши йўналиши, улар тайёрланган материал тури, товарларнинг бир-бирини тўлдириш ёки ўриндошлик даражаси, уларни сотиш шарт-шароитлари, истеъмолчилар доираси ва бошқа белгилар эътиборга олинади”.

Товарлар турдошлигини ўрнатиш учун биз товар турини эътиборга оламиз, мазкур ҳолатда MGU 16961-гувоҳномасидаги чайналадиган сақичлар ва товарлар бир турдаги товарларга тегишли. Ушбу товарлар истеъмолчилари инсонлардир. Юқорида санаб ўтилган барча товарлар инсон гигиенаси учун мўлжалланган, оғиз бўшлиғи, инсон танаси ва тананинг бошқа қисмларига ижобий таъсир кўрсатувчи моддалардан тайёрланган. Ушбу маҳсулотлар таркиби кўпинча ширинлаштирувчи (сахарин ва унинг ҳосилалари), куюқлаштирувчи, абразив (кальций карбонат), хушбўйлаштирувчи моддалар, консервант-антисептиклар ва бошқалардан иборат бўлади. Зеро, 03- ва 21-синфлар товарлари ҳамда чайналадиган сақичлар таркибига жуда кўп бир хил компонентлар кириши уларни алмаштириш даражасигача ўхшаш қилади.

Чайналадиган сақичлар ва юқорида тилга олинган товарлар, жумладан, «тиш чўтқалари, электр тиш чўтқалари, чўтқалар»нинг ўзаро алмашилиши ёки бир-бирини тўлдириши энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Уларнинг ўзаро алмашилиши ёки бир-бирини тўлдириш хоссалари яққол кўриниб турибди. Ҳақиқатан ҳам, аҳолининг аксарият қисми, одатга кўра, эрталаб ва кечқурун тишини тозалаш учун тиш чўтқалари, электр тиш чўтқалари ва чўтқалардан фойдаланади, кун давомида эса, овқатлангандан кейин кўпинча чайналадиган сақич истеъмол қилади. Икки ёшгача бўлган болаларни истисно қилганда, Ўзбекистоннинг деярли барча аҳолиси ушбу товарлар истеъмолчиларидир.

«Тиш чўтқалари, электр тиш чўтқалари, чўтқалар» ТХХТнинг 21-синфига, «чайналадиган сақичлар» ТХХТнинг 03-синфига тегишли бўлса-да, улар турдошдирлар, классификатордаги бўлимлар – чегарадош ҳисобланади. 16-синф товарларига келсак, шуни айтиш мумкинки, улар 03-синф

товарлари каби кундалик ишлатишга мўлжалланган кенг истеъмол товарлари ҳисобланади. Шунинг учун кўп харид қилинади ва «ORBIT» товар белгиси 779272-халқаро регистрациясига кўра Wm.Wrigley Jr. Company, US ишлаб чиқарувчисига тегишли деган тасавури кучлилиги туфайли истеъмолчи уларни ҳам шу фирма ишлаб чиқаради, деб ҳисоблайди.

MGU 16961-гувоҳномадаги 32-синф товарлари эса MGU 18953- ва MGU 17285-рақамли гувоҳномалар бўйича 30-синф товарларига турдошдирлар. Шунини таъкидлаш лозимки, барча 30-синф товарлари 30- ва 32-синфлардаги кенг истеъмол товарлари, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларига киради. Ушбу маҳсулотларнинг ишлатиш йўналиши – инсон ҳаётининг эҳтиёжларини қондиришдир. Шунини таъкидлаш лозимки, улар шарбатлар, хушбўйлантурувчи, дрожжи (хамиртуруш, ачитки), ялпиз, қулмоқли экстрактлар сингари озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли элементлардан тайёрланади, яъни 32- ва 30-синфлар товарларини тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотлар таркиби бир хил. Шу зайл ушбу товарлар бундай белги бўйича турдош ҳисобланади, уларнинг ўзаро алмаштириш ҳамда ўзаро тўлдириш самараси мавжуд.

Кўрилатган апелляцияда, товарлар, хусусан, 30- ва 32-синфларга мансуб кенг истеъмол товарларининг сотилиш жойларини инобатга олиб, шунини эслатиш жоизки, ушбу товарларнинг барчаси гастронимлар ёки кафеларда сотилади, савдо пештахталарида ёнма-ён жойлаштирилади, шунинг учун ҳам аралашиб кетиши мумкин.

Шундай қилиб, товар харид қилаётган истеъмолчи битта ишлаб чиқарувчи маҳсулотини сотиб олаётганига ишонч ҳосил қилади. Оқибатда Wm.Wrigley Jr. Company, US ва «STANDART UNIVERSAL PRODUKT» МЧЖ, UZ фирмаларининг товарлари аралашиб кетади. Бу товар белгисининг асосий – бир ишлаб чиқарувчи товарларини бошқа ишлаб чиқарувчининг турдош товарларидан ажратиш функциясини бузади.

Юқоридагиларни инобатга олиб шундай хулоса қилиш мумкинки, баҳс қилинаётган регистрациядаги 03-, 16-, 21- ва 32-синф товарлари ва апелляциянинг 30-синф товарлари аралаштириб юборадиган даражада ўхшашдир. Шу боис уларнинг бозорда биргаликда мавжудлиги турли ишлаб чиқарувчиларнинг турдош товарлари аралашиб кетишига олиб келмоқда. Бунга йўл эса қўйиб бўлмайди.

Апелляция берган шахс апелляция кенгашидан юқоридагиларни ҳисобга олиб ва Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддаси, 1-сўзбошиси меъёрларига амал қилиб, «STANDART UNIVERSAL PRODUKT» МЧЖ, UZ эгасининг «ORBITFRESH» товар белгисига MGU 16961-сонли гувоҳномасининг 03-, 16-, 21- ва 32-синфлар товарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилишини ноқонуний деб эътироф этишни сўрайди. Чунки унинг берилиши Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси, 13-банди меъёрлари бузилган ҳолда амалга оширилган.

III. Баҳслашилаётган товар белгиси эгасининг вакили К.А.Абдужаббаров берилган апелляция билан ўрнатилган тартибда танишиб чиқиб, ўз хулосаси ва оғзаки чиқишида апелляция далилларига қўшилмаслигини изҳор қилди ва қуйидагиларни таъкидлади:

— Wm. Wrigley Jr. Company, US компанияси томонидан пардоз-андоз мақсадларидаги чайналадиган сақични ТХХТнинг 03-синфида рўйхатга олинишини ноқонуний деб ҳисоблаймиз. Сабаби, ТХХТ 03-синфининг ҳеч бир версияси чайналадиган сақич бўлимини ўз ичига олмаган, у қандолат маҳсулоти бўлиб, ўрни 30-синфда. Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, 30-синфга киритилган чайналадиган сақич бўлими пардоз-андоз учун товарлар тоифаси билан боғлиқ бўлмаган товарни кўрсатади. 30-синф товарлари озиқ-овқат маҳсулотларининг таъм сифатини ошириш учун фойдаланиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёрдамчи қўшимчаларга киради, 03-синф товарлари эса, тери, соч, тишларни гигиеник парваришlash мақсадида ишлатиладиган пардоз-андоз товарлари тоифасига мансубдир. Бундан ташқари, ушбу маҳсулотлар тайёрланган материаллар, ишлаб чиқариш ва ушбу товарларни чакана савдо тармоқларида сотиш шарт-шароитлари ҳам турличадир.

Товар ишлаб чиқарилган материал бўйича:

чайналадиган сақичлар озиқ-овқат маҳсулотларидан, тиш пастаси эса, ичга ютиш маън қилинган кимёвий препаратлардан тайёрланади.

Товарларни ишлатиш йўналишлари бўйича:

тиш пастаси даволаш-профилактика мақсадлари учун мўлжалланган, чайналадиган сақич эса, еб бўлмайдиган эластик асос ҳамда турли таъм ва ҳидли қўшимчалардан таркиб топган конфетнинг бир туридир.

Товарларни сотиш шароитлари бўйича:

тиш пастаси бошқа пардоз-андоз воситалари билан, чайналадиган сақич эса бошқа қандолатчилик ва озик-овқат маҳсулотлари билан бирга ўзга савдо пештахтасида сотилади.

Шундай қилиб, товарлар истеъмолчилар кўзи олдида аралашиб кетмайди. Демак, ўхшаш маркировканинг тиш пастаси ва чайналадиган сақичда бўлиши истеъмолчи тиш пастаси ўрнига чайналадиган сақич харид қилишига олиб келмайди. Тиш пайлари заифлашганда ва пародонтозда чайналадиган сақич тишлар ва тиш пломбаларининг тушишига олиб келиши мумкин. Реклама роликларида чайналадиган сақич оғиз бўшлиғини тозалашнинг энг яхши воситаси сифатида тақдим этилади, бироқ бу фикрга стоматологлар қўшилмайдилар.

AMG 2011 004 апелляциясидаги ТХХТнинг 03-, 16-, 21-, 32-, 30-синфлари товарларининг турдошлиги ҳақидаги нуқтаи назар Wm. Wrigley Jr. Company, US компания рекламасидан олинган. Реклама материаллари субъектив характерга эга, маҳсулотни тижорий тарғибот қилишга йўналтирилган ва чайналадиган сақичнинг ҳақиқий хоссалари ва мақсадини акс эттирмайди. Юқорида айтилганларга таяниб шундай хулосага келиш мумкинки, ушбу 03-, 16-, 21-, 32-, 30-синфлар товарларини турдош деб бўлмайди. Апеллянт даъволари асосланмаган ва энг асосийси, моҳиятан тўғри эмас.

Баҳслашилаётган товар белгиси эгасининг вакили юқоридагилардан келиб чиқиб, апелляция кенгашидан апеллянт даъвосини рад этишни ва асосланмаган, исботсиз апелляцияни қайтаришни сўради. Буни тасдиқлаш учун у қуйидаги ҳужжатларга асосланди:

Апелляция кенгаши томонидан 30- ва 03-синф (чайналадиган сақич ва тиш пастаси) товарларининг турдош эмаслигини аниқлаш бўйича 2009 йил 16 мартда AMG 2008 017-рақамли қарор қабул қилинган. Шунингдек, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 15 октябрдаги 104 916/14454-сонли иш бўйича қарори чиқарилган. Суд апелляция кенгашининг фикрига қўшилган ва уни ўз кучида қолдирган. Қолаверса, 2009 йил 10 декабрда иккинчи инстанция суди ҳам апелляция кенгаши қарорини асосли деб топган.

«STANDART UNIVERSAL PRODUKT» МЧЖ компанияси вакили Апелляция кенгашидан MGU 16961-рақамли товар белгисига гувоҳноманинг амал қилишига қарши апелляцияни қайтаришни сўради.

IV. Апелляция кенгаши мажлисида давлат экспертизаси вакили экспертиза фикрини баён қилди.

«Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказишга талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш Қоидалари»нинг 3-боби, 19-бандининг 114-параграфига биноан, улар асосида товарлар турдошлиги ўрнатиладиган қуйидаги мезонларни ажратиш мумкин:

- товарлар нави (тури);
- уларни қўлланилиш мақсади;
- улар тайёрланадиган материал тури;
- товарларни сотиш шарт-шароитлари, истеъмолчилар доираси ва бошқа белгилар.

Қарама-қарши қўйилаётган товар белгиларининг тахлилини ўтказишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

• «ORBITFRESH» ифодаси товарлар ва хизматлар бўйича ахборот бермайди, ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқариш жойи ва товарларни сотиш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олмайди;

• бундан ташқари, Қонуннинг 26-моддаси, 2-қисмига мувофиқ товар белгисига ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товарлар ва хизматлар билан чегараланган;

• товарлар ўз табиати ёки қўлланиш мақсадига кўра истеъмолчилар томонидан келиб чиқиши жиҳатидан битта манбага киритилган тақдирдагина турдошлик тан олинади. Товарлар турдошлиги ўрнатилганда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинади: товарлар нави (тури), уларнинг истеъмол хоссалари ва функционал қўлланилиши (қўлланилиш ҳажми ва мақсади), улар тайёрланган материал тури, товарларнинг бир-бирини тўлдириши ёки ўзаро алмашилиши, уларни сотиш шароитлари (шу жумладан, умумий сотиш жойи, чакана ёки улгуржи савдо тармоғи орқали сотиш), истеъмолчилар доираси, товарлардан анъанавий ёки асосий фойдаланиш тарзи ва ҳоказолар.

Юқорида баён этилган мезонлар бўйича товарлар турдошлигини баҳолашда шу нарса яққол кўриниб турибдики, солиштирилаётган товарлар ТХХТнинг бир синфига тегишли, бироқ қўлланиш шакли, усули, қўлланиш мақсадлари турличадир, Шу боис улар ўзаро алмашинадиган маҳсулотлар ҳисобланмайди.

V. Апелляция кенгаши иш материалларини ўрганиб чиқиб, апелляция берган шахснинг далилларини ишончга сазовор эмас деб топди.

Ҳуқуқий база ўз ичига Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги

Қонунини ҳамда «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказишга талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш Қоидалари»ни (рўйхат № 1988, 2009 йил 29 июль) олган.

Қонуннинг 10-моддаси 13-банди ва Қоидаларнинг 4-банди н)-бандости бандига мувофиқ, хусусан, Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига аввал рўйхатдан ўтган ёки рўйхатдан ўтказишга талабнома берилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофазаланадиган ёки турдош товарларга нисбатан барвақтроқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан бир хил ёки алмаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган ифодалар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди.

Қоидаларнинг 106-бандига мувофиқ сўзли ифода (белги-аломат)ларнинг ўхшашлиги товушли (фонетик), график (визуал) ва мазмун-моҳиятига кўра бўлиши мумкин ва Қоидаларнинг 107-109-бандларида баён қилинган белгиларнинг мос тушиши асосида аниқланади.

Қоидаларнинг 114-бандига мувофиқ товарларнинг турдошлиги ўрнатилганда истемолчида ушбу товарларнинг битта ишлаб чиқарувчига тегишли эканлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлиш имконияти аниқланади.

Апелляция берган шахс ўз апелляциясида товар белгилари сўзли элементларининг бир хиллиги ва алмаштириб юборадиган даражада ўхшашлиги бўйича қатор далилларни келтирган. Бирок, юқорида айтиб ўтилган меъёрларга мувофиқ, товарлар турдош бўлиши керак. Апелляция кенгаши товарлар турдошлигини ўрнатишда Қоидаларнинг 114-бандидан келиб чиқди. Жумладан, товарларнинг турдошлигини ўрнатиш учун товарларнинг нави (тури), уларни қўлланиш мақсади, улар тайёрланган материал тури, уларни сотиш шарт-шароитлари, истемолчилар доираси ва бошқа белгилар эътиборга олинади.

1. Апелляция кенгаши MGU 16961-гувоҳномасининг 03-, 16-, 21- ва 32-синфлар товарлари ва 779272-рақамли халқаро регистрация 03-синф, MGU 826-рақамли гувоҳномасининг 30-синф товарларининг нав белгиларига кўра турдошлиги бўйича улар турдош эмас, деган хулосага келди. Ушбу товарларнинг турли навларга тегишли эканлиги бунга асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, 03-синф товарлари кимёвий ва пардоз-андоз товарларига, 16-синф товарлари қоғоз ва канцелярия буюмларига, 21-синф товарлари уй-рўзғор анжомларига, 32-синф товарлари алкоғолсиз ичимликларга тааллуқли бўлса, қарама-қарши қўйилаётган 03-, 30-синфлар товарлари (чайналадиган сақич) озиқ-овқат маҳсулотларига тегишлидир.

2. Апелляция кенгаши «Қўлланилиш мақсади» турдошлик белгиси бўйича апелляция берган шахснинг далилларини ишончли эмас деб топди. 03-синф товарлари оқартириш, кир ювиш, тозалаш ва даволаш-профилактика мақсадлари учун, 16-синф товарлари офисда фойдаланиш, 21-синф товарлари уй шароитида ишлатиш учун, 32-синф товарлари озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида ишлатиш учун мўлжалланган, 03-, 30-синфлар товарлари (чайналадиган сақич) тоза ҳаво олиш (нафасни тозалаш) ва кўнгил очиш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

3. Апелляция кенгаши «Товарлар тайёрланадиган материал тури» белгиси бўйича шу фикрга келдики, баҳс қилинаётган ва қарши қўйилаётган белгилар товарларининг таркиби бир хил эмас. Чунки улар ҳар хил турларга тегишли ва қўлланиш мақсади ҳам турличадир.

4. «Товарларни сотиш шарт-шароитлари» белгиси бўйича, гарчи ушбу синф товарлари бирга сотилиши мумкин бўлса-да, асосан улар турли савдо жойларида сотилади. 03-синф товарлари кўпинча пардоз-андоз товарлари дўконларида, 16-синф товарлари канцелярия дўконларида, 21-синф товарлари хўжалик моллари дўконларида, 32-синф товарлари озиқ-овқат дўконларида, 03-, 30-синфлар (чайналадиган сақич) товарлари эса озиқ-овқат дўконларининг қандолатчилик маҳсулотлари бўлимида сотилади.

Апелляция кенгаши апелляция берган шахснинг тиш пастаси ва чайналадиган сақич ушбу белги бўйича турдош деган фикрига қўшилмайди. Ушбу товарлар битта савдо шохобчасида, лекин ҳар хил жойда сотилиши мумкин, яъни тиш пастаси бошқа пардоз-андоз воситалари билан, чайналадиган сақич эса бошқа савдо пештахтасида озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга сотилади. Шунингдек, Апелляция кенгаши апелляцияда кўрсатилган товарлар турдошлигини муҳокама ва таҳлил қилиб шундай фикрга келдики, тиш чўткалари, электр тиш чўткалари, чўткалар ва чайналадиган сақич турдош маҳсулотлар эмас.

Апелляциядаги «ORBIT» логотипига Wm. Wrigley Jr. Company компанияси муаллифлик ҳуқуқларини муҳофазалаш ва виждонсиз рақобатга тегишли масалалар эътиборга олинмайди. Боиси, улар ЎЗР ИМА Апелляция кенгашининг ваколатига кирмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 10 ва 24-моддаларига асосланиб, Апелляция кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Wm.Wrigley Jr. Company, US томонидан «ORBITFRESH» товар белгисига Ўзбекистон Республикасининг MGU 16961-сонли гувоҳномасини қонуний кучга эга эмас деб эътироф этиш ҳақида тақдим этилган апелляцияни қаноатлантириш рад этилсин.

2. «ORBITFRESH» товар белгисига Ўзбекистон Республикасининг MGU 16961-сонли гувоҳномаси ўз кучида қолдирилсин.

**Решение Апелляционного совета от 28.10.2011 г.,
принятое по результатам рассмотрения апелляции, поданной Wm.Wrigley Jr. Company,
US, о признании недействительным свидетельства Республики Узбекистан
№ MGU 16961 на товарный знак «ORBITFRESH»**

I. Товарный знак по свидетельству № MGU 16961 зарегистрирован в Государственном реестре товарных знаков 29.07.2008 г. с приоритетом от 19.07.2007 г. на имя ООО «STANDART UNIVERSAL PRODUKT» в отношении товаров 03, 16, 21 и 32 класса МКТУ.

II. Лицо, подавшее апелляцию, возражает против действительности свидетельства № MGU 16961 на товарный знак «ORBITFRESH» на основании того, что данный товарный знак является сходным до степени смешения с ранее зарегистрированным товарным знаком «ORBIT» по свидетельству Республики Узбекистан № 826 в отношении однородных товаров класса 30 и ранее зарегистрированным товарным знаком «ORBIT DROPS» по международной регистрации № 779272 на имя Wm.Wrigley Jr. Company в отношении однородных товаров класса 03, 05 и 30.

Далее лицо, подавшее апелляцию, приводит свои доводы, отраженные в апелляции.

По мнению лица, подавшего апелляцию, регистрация товарного знака по свидетельству MGU 16961 с приоритетом от 19.07.2007 года на товарный знак «ORBITFRESH» была произведена с нарушениями норм ст. 10 п. 13 Закона Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров».

Схожесть до степени смешения товарных знаков «ORBIT» и «ORBITFRESH» очень высокая, поскольку имеется вхождение одного знака в другой, что подпадает под действия п. 107 Правил. Кроме того, доминирующим и сильным элементом в словосочетании «ORBITFRESH» является слово «ORBIT», поскольку именно это слово наиболее влияет на различительную способность данного товарного знака. Для товаров же 16 класса слово «FRESH» может быть переведено как «новый, оригинальный, самобытный», а словосочетание можно перевести как «НОВЫЙ ОРБИТ» или «ОРИГИНАЛЬНЫЙ ОРБИТ». Тем самым потребитель будет полагать, что товары 16 класса являются новым, оригинальным видом товара, который Wm.Wrigley Jr. Company, US начала производить, расширив вид своей деятельности.

Далее лицо, подавшее апелляцию, приводит анализ однородности товаров, защищаемых оспариваемой регистрацией MGU 16971 и регистрациями 826 и 779272 в соответствии с Правилами, в частности п. 114 Правил, которая гласит: «При установлении однородности товаров определяется принципиальная возможность возникновения у потребителя представления о принадлежности этих товаров одному производителю. Для установления однородности товаров принимается во внимание род (вид) товаров, их назначение, вид материала, из которого они изготовлены, взаимодополняемость либо взаимозаменяемость товаров, условия их реализации, круг потребителей и другие признаки».

Для установления однородности товаров мы принимаем во внимание вид товара, и в нашем случае жевательные резинки и товары в свидетельстве MGU 16961 относятся к товарам одного вида. Потребителями этих товаров являются люди. Все вышеперечисленные товары предназначены для гигиены человека, изготовлены из веществ, благоприятно влияющих на полость рта, тело и другие части человека. Чаще всего в состав этих продуктов входят подслащивающие вещества (сахарин и его производные), загустители, абразивные вещества (карбонат кальция), ароматические вещества, консерванты-антисептики и пр. Таким образом, состав этих товаров 03 и 21 классов и состав жевательных

резинок содержит очень много одинаковых компонентов, что делает их схожими до степени смешения.

Немаловажным фактором является взаимозаменяемость или взаимодополняемость жевательных резинок и вышеперечисленных товаров, в частности «щетки зубные; щетки зубные электрические; щетки». Факт взаимозаменяемости или взаимодополняемости этих товаров очевиден. Действительно, большая часть населения по утрам и вечерам использует щетки зубные; щетки зубные электрические и щетки для чистки зубов и полости рта, как правило, утром и вечером, а в течение дня употребляет жевательную резинку постоянно, как минимум после принятия пищи. Потребителями этих товаров является практически все население Узбекистана, за исключением детей до 2 лет.

Несмотря на то что товары «щетки зубные; щетки зубные электрические; щетки» относятся к 21 классу МКТУ, а товары «жевательные резинки» - к 03 классу МКТУ, они являются однородными, а рубрики этих классов - смежными. Что касается товаров 16 класса, то мы можем сказать, что они так же как и товары 03 класса являются товарами широкого потребления, предназначенными для ежедневного использования, потому часто покупаются и в силу очень сильной ассоциации потребителя товарного знака «ORBIT» с принадлежностью его производителю Wm.Wrigley Jr. Company, US будут расцениваться как произведенные этим изготовителем.

Товары же 32 класса в свидетельстве MGU 16961 являются однородными с товарами 30 класса по свидетельствам № MGU 18953 и № MGU 17285. Необходимо отметить, что все товары 30 класса относятся к продуктам широкого потребления 30 и 32 классов, а именно к продуктам питания. Назначение этих продуктов - удовлетворение жизненных потребностей человека. Можно констатировать, что их изготавливают из элементов, относящихся к продуктам питания, включая соки, ароматизаторы, дрожжи, мяту, экстракты хмелевые и т.п., т.е. состав продуктов для приготовления товаров 32 класса и товаров 30 класса моего клиента одинаковый, тем самым эти товары по этому признаку являются однородными. Присутствует эффект взаимозаменяемости этих продуктов, равно как эффект взаимодополняемости.

В рассматриваемой апелляции, принимая во внимание место продажи этих товаров, а именно товаров широкого потребления 30 и 32 класса, можно констатировать, что все эти товары реализуются в гастрономах или кафе, находятся рядом на торговых прилавках, а потому могут быть смешаны.

Таким образом, при покупке товара потребитель будет полностью уверен, что приобретает товары одного и того же производителя, и тем самым товары фирм Wm.Wrigley Jr. Company, US и ООО «STANDART UNIVERSAL PRODUKT», UZ смешиваются, что нарушает основную функцию товарного знака - отличать товары одного производителя от другого.

Учитывая вышеизложенное, можно сделать вывод, что товары 03, 16, 21 и 32 класса оспариваемой регистрации и товары 30 класса апеллянта являются схожими до степени смешения, а потому их сосуществование приведет к смешиванию однородных товаров разных производителей, что недопустимо.

Лицо, подавшее апелляцию, учитывая вышеизложенное и руководствуясь нормами ст. 24 абзац первый Закона Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров», просит Апелляционный совет признать действие свидетельства № MGU 16961 на товарный знак «ORBITFRESH» владельца ООО «STANDART UNIVERSAL PRODUKT», UZ недействительным на территории Республики Узбекистан в отношении товаров 03, 16, 21 и 32 классов товаров, так как его выдача была осуществлена в нарушении норм п. 13 ст. 10 Закона Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров».

III. Представитель владельца оспариваемого товарного знака Абдужаббаров К.А., ознакомленный в установленном порядке с поданной апелляцией, в своем отзыве и устном выступлении выразил несогласие с доводами апелляции и отметил следующее.

Регистрацию жевательной резинки для косметических целей в 03 классе МКТУ считаем незаконной компанией Wm. Wrigley Jr. Company, US, так как ни в одной из версий МКТУ 03 класс не содержит в своей рубрике жевательную резинку, потому что это кондитерское изделие и его место в 30 классе. Поэтому также можно отметить, что рубрика жевательные резинки, включенная в 30 класс, также указывает на товар, не связанный с категорией парфюмерно-косметических товаров. Товары 30 класса относятся к пищевым продуктам и вспомогательным добавкам, используемым для улучшения вкусовых качеств пищевых продуктов, в то время как товары 03 класса относятся к категории парфюмерно-косметических товаров, используемых для гигиенического ухода за кожей, волосами, зубами.

Помимо этого различны материалы, из которых произведены эти товары, условия производства и реализации данных товаров в розничной сети.

По материалу, из которого изготовлен товар: жевательные резинки изготавливаются из пищевых продуктов, а зубная паста из химических препаратов - не допустима к употреблению вовнутрь.

По функциональному назначению товаров: зубная паста предназначена для лечебно-профилактических целей, а жевательная резинка - это вид конфеты, который состоит из несъедобной эластичной основы и различных вкусовых и ароматических добавок.

По условиям реализации товаров: зубная паста реализуется вместе с другими косметическими средствами, а жевательная резинка вместе с другими кондитерскими продуктами на другой торговой полке, вместе с другими продуктами питания.

Таким образом, смешения товаров в глазах потребителя не произойдет, следовательно, наличие тождественной маркировки на зубной пасте и жевательной резинке не повлечет за собой ситуации, когда потребитель вместо необходимой ему зубной пасты приобретет жевательную резинку. При слабости зубной связки, при пародонтозе резинка может способствовать потере зубов и зубных пломб. В рекламных роликах жевательная резинка преподносится как превосходное средство для очищения полости рта, однако эту точку зрения стоматологи не разделяют.

Утверждение однородности товаров 03, 16, 21, 32, 30 классов МКТУ в апелляции AMG 2011 004 взяты из рекламы компанией Wm. Wrigley Jr. Company, US. Рекламные материалы носят субъективный характер, направленный на коммерческую пропаганду своей продукции и не отражают истинных свойств и предназначения жевательной резинки. Исходя из вышеизложенного, можно сделать вывод, что указанные товары 03, 16, 21, 32 и 30 классов нельзя признать однородными. Доводы апелланта представляются необоснованными и, главное, неверными по сути.

В соответствии с вышеизложенным представитель владельца оспариваемого знака просит Апелляционный совет отказать апеллantu и отклонить как необоснованную бездоказательную апелляцию.

В подтверждение этому ссылается на следующие документы:

Апелляционным советом принято решение от 16.03.2009 г. в определении неоднородности товаров 30 и 03 классов (жевательная резинка и зубная паста) № AMG 2008 017, а также было принято решение Хозяйственного суда города Ташкента от 15.10.2009 года дела №104 916/14454. Суд соглашается с мнением Апелляционного совета и оставляет его решение в силе. Также было решение второй инстанции от 10.12.2009 г., где решение Апелляционного совета также было оставлено в силе.

Представитель компании ООО «STANDART UNIVERSAL PRODUKT» просит Апелляционный совет отклонить апелляцию против действия свидетельств на товарный знак № MGU 16961.

IV. На заседании Апелляционного совета представитель государственной экспертизы изложил мнение экспертизы.

В соответствии с параграфом 114 п. 19 главы 3 «Правил составления, подачи и рассмотрения заявки на регистрацию товарного знака и знака обслуживания» можно выделить следующие критерии, на основании которых устанавливается однородность товаров:

- род (вид) товаров;
- их назначение;
- вид материала, из которого они изготовлены;
- условия сбыта товаров, круг потребителей и другие признаки.

При проведении анализа противопоставленных товарных знаков можно выделить следующее:

- обозначение «ORBITFRESH» не несет информации в отношении товаров и услуг и не содержит сведений о производителе, месте производства и сбыта товаров;
- кроме того, согласно части 2 ст. 26 Закона право на товарный знак ограничено товарами и услугами, указанными в свидетельстве;

• однородность признается по факту, если товары по причине их природы или назначения могут быть отнесены потребителями к одному и тому же источнику происхождения. При установлении однородности товаров должны приниматься во внимание такие обстоятельства: род (вид) товаров, их потребительские свойства и функциональное назначение (объем и цель применения), вид материала, из которого они изготовлены, взаимодополняемость либо взаимозаменяемость товаров, условия их реализации (в том числе общее место продажи, продажа через розничную либо оптовую сеть), круг потребителей, традиционный или преимущественный уклад использования товаров и т. д.

Исходя из вышеизложенного, при оценке однородности товаров по перечисленным критериям налицо, что сравниваемые товары относятся к одному классу МКТУ, но при этом форма, метод применения, цели применения различны, в связи с чем не являются взаимозаменяемыми.

V. Изучив материалы дела, Апелляционный совет находит доводы лица, подавшего апелляцию, неубедительными.

Правовая база включает Закон Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров» от 30.08.2001 г. и «Правила составления, подачи и рассмотрения заявки на регистрацию товарного знака и знака обслуживания» (рег. № 1988 от 29.07.2009 г.).

В соответствии с п. 13 статьи 10 Закона и подпунктом н) п. 4 Правил не регистрируются в качестве товарных знаков обозначения тождественные или сходные до степени смешения, в частности, с товарными знаками, ранее зарегистрированными или заявленными на регистрацию в Республике Узбекистан на имя другого лица, а также охраняемыми в силу международных договоров Республики Узбекистан или обладающими более ранним приоритетом в отношении однородных товаров.

В соответствии с п. 106 Правил сходство словесных обозначений может быть звуковым (фонетическим), графическим (визуальным) и смысловым (семантическим) и определяется на основе совпадения признаков, изложенных в пп. 107-109 Правил.

Согласно п. 114 Правил при установлении однородности товаров определяется принципиальная возможность возникновения у потребителя представления о принадлежности этих товаров одному производителю.

Лицо, подавшее апелляцию, в своей апелляции отразило ряд оснований касательно тождественности и схожести до степени смешения словесных элементов товарных знаков. Вместе с тем согласно вышеуказанным нормам товары должны быть однородными. Апелляционный совет при установлении однородности товаров исходил из п. 114 Правил. Так, для установления однородности товаров принимается во внимание род (вид) товаров, их назначение, вид материала, из которого они изготовлены, условия их реализации, круг потребителей и другие признаки.

1. Относительно однородности товаров 03, 16, 21 и 32 классов свидетельства № MGU 16961 и товаров 03 класса международной регистрации № 779272, 30 класса свидетельства № MGU 826 по родовому признаку Апелляционный совет пришел к выводу, что они не являются однородными. Основанием послужило то, что товары указанных классов относятся к разным видам товаров. Так, товары 03 класса относятся к химическим и парфюмерно-косметическим, товары 16 класса относятся к бумажным и канцелярским изделиям, товары 21 класса относятся к предметам домашней утвари, товары 32 класса относятся к безалкогольным напиткам, тогда как противопоставленные товары 03, 30 классов (жевательная резинка) относятся к пищевым продуктам.

2. По признаку однородности «назначение товаров» Апелляционный совет находит доводы лица, подавшего апелляцию, неубедительными. Товары 03 класса предназначены для отбеливания, стирки, чистки и лечебно-профилактических целей, товары 16 класса - для офисного пользования, товары 21 класса - для использования в домашних целях, товары 32 класса предназначены для потребления в качестве продуктов питания. Назначением товара 03 и 30 класса (жевательная резинка) может быть и освежение дыхания и просто развлечение.

3. По признаку «вид материала, из которого изготовлены товары» Апелляционный совет пришел к мнению, что состав товаров оспариваемых и противопоставленных знаков не является идентичным, поскольку сами товары относятся к разным видам и имеют различное назначение.

4. По признаку «условия сбыта товаров», несмотря на то что некоторые товары данных классов могут реализоваться вместе, однако в основном они реализуются в разных торговых точках. Так, товары 03 класса реализуются в большинстве случаев в парфюмерно-косметических магазинах. Товары 16 класса в канцелярских магазинах. Товары 21 класса в хозяйственных магазинах. Товары 32 класса в продуктовых магазинах. Тогда как товары 30, 03 классов (жевательные резинки) в магазинах продуктов питания в отделе кондитерских изделий.

Апелляционный совет не согласен с мнением лица, подавшего апелляцию, о том, что зубная паста и жевательная резинка по данному признаку являются однородными. Продажа этих товаров может быть в одной торговой точке, однако в разных местах; так, зубная паста реализуется с другими косметическими средствами, а жевательная резинка с другими кондитерскими продуктами на другой торговой полке, вместе с другими продуктами питания. Также Апелляционный совет, обсуждая и анализируя однородность указанных в апелляции товаров, пришел к единому мнению о том, что щетки зубные; щетки зубные электрические; щетки и жевательные резинки не являются однородными.

Вопросы, касающиеся защиты авторских прав и недобросовестной конкуренции Компании Wm. Wrigley Jr. Company на логотип «ORBIT», поднятые в апелляции, не принимаются во внимание, так как находятся вне компетенции Апелляционного совета.

На основании вышеизложенного и руководствуясь статьей 10 и 24 Закона Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров», Апелляционный совет

РЕШИЛ:

1. Отказать в удовлетворении апелляции компании Wm.Wrigley Jr. Company о признании недействительным свидетельства Республики Узбекистан № MGU 16961 на товарный знак «ORBITFRESH».

2. Оставить в силе свидетельство Республики Узбекистан № MGU 16961 на товарный знак «ORBITFRESH».

«ORBIT» товар белгисига берилган MGU 15914 сонли Ўзбекистон Республикаси гувоҳномасини қонуний кучга эга эмас деб эътироф этиш ҳақида Wm.Wrigley Jr. Company, US томонидан тақдим этилган апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган Апелляция кенгашининг 2011 йил 11 ноябрдаги қарори

I. MGU 15914-рақамли гувоҳнома бўйича товар белгиси ТХХТнинг 03- (тиш пасталари ва кир ювиш кукунлари) синфи товарларига нисбатан 2007 йил 11 январдаги устуворлик билан товар белгилари Давлат реестрида 2008 йил 2 январда «POLYMER BUSINESS GROUP» МЧЖ номига рўйхатга олинган.

II. Апелляция берган шахс «ORBIT» товар белгисига MGU 15914-рақамли гувоҳноманинг қонунийлигига шу асосда эътироз билдирадики, ушбу товар белгиси чайналадиган сақич каби 30-синф турдош товарларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг 826-сонли гувоҳномаси бўйича аввал рўйхатга олинган «ORBIT» товар белгиси ҳамда 03-синф — пардоз-андозда фойдаланиш учун қандолат маҳсулотлари, чунончи, чайналадиган сақичлар, қиёмлар, обакидандонлар, карамеллар, конфетлар ва пардоз-андоз мақсадлари учун шимдириладиган драже (майда думалоқ обаки) товарларига нисбатан Wm.Wrigley Jr. Company номига 779272-рақамли халқаро регистрация бўйича муқаддам рўйхатга олинган «ORBIT DROPS» товар белгиси билан бир хил ва алмаштириш даражасигача ўхшашдир.

Зеро, апелляция берган шахс фикрича, «ORBIT» товар белгисига 2008 йил 2 январдаги устуворлик билан MGU 15914-рақамли гувоҳнома бўйича товар белгисини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси, 13-банди меъёрларига амал қилинмаган ҳолда амалга оширилган.

Апелляция берган шахс апелляцияда ўз далилларини келтирган:

«ORBIT» ва «ORBIT DROPS» товар белгиларининг алмаштириш даражасигача ўхшашлиги жуда юқори. Чунки бир белгининг бошқасига кириши кузатилмоқда. Бу эса Қоидаларнинг 107-бандига тўғри келади. Қолаверса, «ORBIT DROPS» сўз бирикмасидаги асосий ва энг кучли элемент «ORBIT» сўзидир, айнан у ушбу товар белгисини ажратиш кўрсатишга энг кўп таъсир кўрсатади.

Шундан кейин апелляция берган шахс баҳслашилаётган MGU 15914-рақамли гувоҳнома ва химояланаётган 826- ва 779272-регистрациялар бўйича товарларнинг Қоидалар, хусусан, унинг 114-бандига мувофиқ турдошлиги таҳлилини келтиради. Унга кўра:

«Товарлар турдошлиги ўрнатилганда истеъмолчида бу товарлар битта ишлаб чиқарувчига тегишли эканлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлиш имконияти аниқланади.

Товарлар турдошлигини ўрнатиш учун товарларнинг нави (тури), уларнинг ишлатилиш йўналиши, улар тайёрланган материал тури, товарларнинг бир-бирини тўлдириш ёки ўриндошлик даражаси, уларни сотиш шарт-шароитлари, истеъмолчилар доираси ва бошқа белгилар эътиборга олинади».

Апелляция берувчининг фикрича, истеъмолчи «ORBIT» чайналадиган сақичи, «ORBIT» тиш пастаси ва «ORBIT» тиш порошогини фақат битта ишлаб чиқарувчи томонидан чиқарилган деб ҳисоблайди. Товарлар турдошлигини ўрнатиш учун биз товар турини эътиборга оламиз ва мазкур ҳолатда сақичлар, тиш пасталари ва порошоклари бир турдаги товарларга тегишлидир.

Ушбу товарлар истеъмолчилари инсонлардир. Юқорида санаб ўтилган товарлар оғиз бўшлиғи ва тишларни парваришлаганга мўлжалланган, оғиз бўшлиғига ижобий таъсир кўрсатадиган моддалардан тайёрланган. Кўпинча ушбу маҳсулотлар таркиби ширинлаштирувчи (сахарин ва унинг ҳосилалари),

куюклаштирувчи, абразив (кальций карбонат), хушбўйлаштирувчи моддалар, консервант-антисептиклар ва бошқалардан иборат бўлади. Ана шу зайдда тиш пасталари ва порошоклари ҳамда чайналадиган сақичлар таркибига жуда кўп бир хил компонентлар кириши уларни алмаштириш даражасигача ўхшаш қилади.

Чайналадиган сақичлар ва тиш пасталари (тиш порошоклари)нинг ўзаро алмашилиши ёки бир-бирини тўлдириши энг муҳим омиллардандир. Уларнинг ўзаро алмашилиши ёки бир-бирини тўлдириш хоссалари яққол кўриниб турибди. Ҳақиқатан ҳам, аҳолининг аксарият қисми одатда эрталаб ва кечкурун тишини тозалашда тиш пастаси ёки порошокидан фойдаланади, кун давомида эса, овқатлангандан кейин кўпинча чайналадиган сақич истеъмол қилади. Тиш тозалаш ҳам, чайналадиган сақич истеъмол қилиш ҳам гигиена воситаси сифатида оғиз бўшлиғини тозалаш, тишларни соғломлаштириш, оқартириш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Тишларни тиш пастаси ёки порошоги билан тозалаш ҳамда Wm. Wrigley Jr. Company, US, таклиф қилаётган чайналадиган сақич кариесага қарши курашишда кўл келади, тиш қаршини йўқотади, тишларни оқартиради ва тоза ҳаво олиш (нафас тозалаш)ни таъминлайди. Соғлом тишлар – ҳар қандай инсон саломатлигининг гаровидир. Шунинг учун уларни нима билан ва неча марта парваришлаш ҳамма учун долзарб масаладир.

Қабул қилинган белгиларни рўйхатга олиш учун халқаро товарлар ва хизматлар таснифи (кейинги ўринларда ТХХТ) товарлар ва хизматлар турдошлигига таъсир кўрсатмайди. Мазкур ҳолатда ҳам чайналадиган сақичлар товарларнинг 30-синфига, тиш пасталари ва порошоклари эса 03-синфига тегишли бўлса-да, улар турдошдирлар, классификатордаги бўлимлар – чегарадош ҳисобланади. Шу билан бирга, 779272-халқаро регистрациясига кўра. Wm.Wrigley Jr. Company, US фирмаси 03-синф товарларига, жумладан, «чайналадиган сақич» бўлимига истисносиз ҳуқуққа эга.

Кўрилатган апелляцияда товарлар, хусусан, чайналадиган сақичлар ва тиш пасталари (тиш порошоклари)нинг сотилиш жойларини инобатга олиб, шунини таъкидлаш мумкинки, ушбу товарларнинг барчаси дорихоналар, супермаркетлар, гастрономларнинг оғиз бўшлиғини парваришлаш воситалари бўлимида сотилади. Оқибатда истеъмолчи товар харид қилишда битта ишлаб чиқарувчининг маҳсулотини сотиб олаётганига ишонч ҳосил қилади ва шу тариқа Wm.Wrigley Jr. Company, US фирмаси ҳамда «POLYMER BUSINESS GROUP» МЧЖ, UZ товарлари аралашиб кетади. Бу товар белгисининг асосий – бир ишлаб чиқарувчи товарларини бошқа ишлаб чиқарувчининг турдош товарларидан ажратиш функциясини бузади.

Кўрилатган ҳолатда юқорида санаб ўтилган талабнома берилган ва қарама-қарши қўйилаётган товарлар учун турли ишлаб чиқарувчилар томонидан бир хил ёки аралаштириб юборадиган даражада ўхшаш товар белгилардан фойдаланиш натижасида истеъмолчида ушбу товарлар битта ишлаб чиқарувчига тегишли деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин.

Бинобарин, бу товарлар турдош деб қаралиши мумкин. Апелляцияда баён қилинган ҳолатда «чайналадиган сақичлар» ва «тиш пасталари ва порошоклари» товарлари аралаштириб юборадиган даражада ўхшаш товар белгилари билан таъминланган турдош товарлардир. Шунинг учун уларнинг бозорда биргаликда мавжудлиги турли ишлаб чиқарувчиларнинг турдош товарлари аралашиб кетишига олиб келмоқдаки, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Апелляция берувчи апелляция кенгашидан юқоридагиларни ҳисобга олиб ва Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддаси, 1-сўзбошиси меъёрларига амал қилиб, «POLYMER BUSINESS GROUP» МЧЖ, UZ эгасининг «ORBIT» товар белгисига MGU 15914-сонли гувоҳномасининг 03-синф товарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилишини ноқонуний деб эътироф этишни сўради. Чунки унинг берилиши Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуни 10-моддасининг 13-банди меъёрларини бузиш билан амалга оширилган.

III. Баҳшлашаётган товар белгиси эгасининг вакили К.А.Абдужаббаров берилган апелляция билан ўрнатилган тартибда танишиб чиқиб, ўз хулосаси ва оғзаки чиқишида апелляция далилларига қўшилмаслигини изҳор қилди ва қуйидагиларни таъкидлади:

— Wm. Wrigley Jr. Company, US компанияси томонидан пардоз-андоз мақсадларидаги чайналадиган сақичнинг ТХХТнинг 03-синфида рўйхатга олинишини ноқонуний деб ҳисоблаймиз. Боиси, ТХХТ 03-синфининг ҳеч бир версияси чайналадиган сақич бўлимини ўз ичига олмаган, бу қандолатчилик маҳсулоти бўлиб, ўрни 30-синфда. Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, 30-синфга киритилган чайналадиган сақич бўлими пардоз-андоз учун товарлар тоифаси билан боғлиқ бўлмаган товарни кўрсатади. 30-синф товарлари озик-овқат маҳсулотларининг таъм сифатини ошириш учун фойдаланиладиган озик-овқат маҳсулотлари ва ёрдамчи қўшимчаларга қаради, 03-синф товарлари эса,

тери, соч, тишларни гигиеник парваришlash мақсадида ишлатиладиган пардоз-андоз товарлари сира-сидандир. Бундан ташқари, ушбу товарлар тайёрланган материаллар, ишлаб чиқариш ва ушбу товарларни чакана савдо тармоқларида сотиш шарт-шароитлари ҳам турличадир.

Товар ишлаб чиқарилган материал бўйича:

чайналадиган сақичлар озиқ-овқат маҳсулотларидан, тиш пастаси эса ичга ютиш маън қилинган кимёвий препаратлардан тайёрланади.

Товарларни ишлатиш йўналишлари бўйича:

тиш пастаси даволаш-профилактика мақсадлари учун мўлжалланган, чайналадиган сақич эса, еб бўлмайдиган эластик асос, турли таъм ва ҳидли қўшимчалардан таркиб топган конфетнинг бир туридир.

Нав хоссалари бўйича:

тиш пастаси кимёвий препаратларга, чайналадиган сақич қандолатчилик маҳсулотларига киритилган.

Товарларни сотиш шароитлари бўйича:

тиш пастаси бошқа пардоз-андоз воситалари билан бирга, чайналадиган сақич эса бошқа қандолат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга ўзга савдо пештахтасида сотилади.

Шундай қилиб, истеъмолчилар кўзи олдида товарлар аралашиб кетмайди. Демак, ўхшаш мар-кировканинг тиш пастаси ва чайналадиган сақичда бўлиши истеъмолчининг тиш пастаси ўрнига чай-наладиган сақич харид қилишига олиб келмайди.

Тиш пайлари заифлашганда ва пародонтозда чайналадиган сақич тишлар ва тиш пломба-ларининг тушишига олиб келиши мумкин. Реклама роликларида чайналадиган сақич оғиз бўшлиғини тозалашнинг энг яхши воситаси сифатида тақдим этилади, бироқ бу фикрга стоматологлар қўшил-майдилар.

AMG 2011 003 апелляциясидаги ТХХТнинг 03-, 05-, 30-синфлари товарларининг турдошлиги ҳақидаги нуқтаи назар Wm. Wrigley Jr. Company, US компания рекламасидан олинган. Реклама материаллари субъектив характерга эга, маҳсулотни тижорий тарғибот қилишга йўналтирилган ва чайналадиган сақичнинг ҳақиқий хоссалари ва мақсадини акс эттирмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, ушбу 03- ва 30-синфлар товар-ларини турдош деб бўлмайди.

Апеллянт даъволари асосланмаган ва энг асосийси, моҳиятан нотўғри.

Баҳшлашилаётган товар белгиси эгасининг вакили апелляция кенгашидан юқоридагилардан келиб чиқиб, апеллянт даъвосини рад этишни ва асосланмаган исботсиз апелляцияни қайтаришни сўрайди.

Буларни тасдиқлаш учун қуйидаги ҳужжатларга асосланади:

Апелляция кенгаши томонидан 30- ва 03-синф (чайналадиган сақич ва тиш пастаси) товар-ларининг турдош эмаслигини аниқлаш бўйича 2009 йил 16 мартда AMG 2008 017-рақамли қарор қабул қилинган. Шунингдек, 2009 йил 15 октябрда Тошкент шаҳар хўжалик судининг 104 916/14454-сонли иш бўйича қарори қабул қилинган. Суд апелляция кенгашиг фикрига қўшилган ва уни ўз кучида қолдирган. Қолаверса, иккинчи инстанция суди ҳам 2009 йил 10 декабрда апелляция кенгашининг қарорини асосли деб топган.

«POLYMER BUSINESS GROUP» МЧЖ компанияси вакили Апелляция кенгашидан MGU 15914-рақамли товар белгисига гувоҳноманинг амал қилишига қарши апелляцияни қайтаришни сўради.

IV. Апелляция кенгаши мажлисида давлат экспертизаси вакили экспертиза фикрини баён қилди.

«Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказишга талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш Қоидалари»нинг 3-боби, 19-бандининг 114-параграфига биноан улар асосида товарлар турдошлиги ўрнатиладиган қуйидаги мезонларни ажратиш мумкин:

- товарлар нави (тури);
- уларни қўлланилиш мақсади;
- улар тайёрланадиган материал тури;
- товарларни сотиш шарт-шароитлари, истеъмолчилар доираси ва бошқа белгилар.

Қарама-қарши қўйилаётган товар белгиларининг таҳлилининг ўтказишда қуйидагиларни кўр-сатиш мумкин:

• «ORBIT DROPS» ифодаси товарлар ва хизматлар бўйича ахборот бермайди, ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқариш жойи ва товарларни сотиш ҳақида маълумотларни ўз ичига олмаган;

• бундан ташқари, Қонуннинг 26-моддаси 2-қисмига мувофиқ, товар белгисига ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товарлар ва хизматлар билан чегараланган;

• агар товарлар уларнинг табиати ёки қўлланиш мақсадига кўра истеъмолчилар томонидан келиб чиқиши жиҳатидан битта манбага киритилса, шу ҳолдагина турдошлик тан олинади. Товарлар турдошлиги ўрнатилганда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинади: товарлар нави (тури), уларнинг истеъмол хоссалари ва функционал қўлланилиши (қўлланилиш ҳажми ва мақсади), улар тайёрланган материал тури, товарларнинг бир-бирини тўлдириши ёки ўзаро алмашиниши, уларни сотиш шароитлари (шу жумладан, умумий сотиш жойи, чакана ёки улгуржи савдо тармоғи орқали сотиш), истеъмолчилар доираси, товарлардан анъанавий ёки асосий фойдаланиш тарзи ва ҳоказолар.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, санаб ўтилган мезонлар бўйича товарлар турдошлигини баҳолашда шу нарса яққол кўриниб турибдики, солиштирилаётган товарлар ТХХТнинг бир синфига тегишли, бироқ қўлланиш шакли, усули, қўлланиш мақсадлари турличадир. Шу боис улар ўзаро алмашинадиган махсулотлар ҳисобланмайди.

V. Апелляция кенгаши иш материалларини ўрганиб чиқиб, апелляция берган шахснинг далиллари ишончли эмас деб топди.

Ҳуқуқий база ўз ичига Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунни ва «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказишга талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш Қоидалари»ни (рўйхат № 1988, 2009 йил 29 июль) олган.

Қонуннинг 10-моддаси, 13-банди ва Қоидаларнинг 4-банди н)-бандости бандига мувофиқ, хусусан, Ўзбекистон Республикасида бошқа шахснинг номига аввал рўйхатдан ўтган ёки рўйхатдан ўтказишга талабнома берилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофазаланадиган ёки турдош товарларга нисбатан барвақтроқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан бир хил ёки алмаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган ифодалар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди.

Қоидаларнинг 106-бандига мувофиқ сўзли ифодаларнинг ўхшашлиги товушли (фонетик), график (визуал) ва мазмун-моҳиятига кўра бўлиши мумкин ҳамда Қоидаларнинг 107-109-бандларида баён қилинган белгиларнинг мос тушиши асосида аниқланади.

Қоидаларнинг 114-бандига мувофиқ товарларнинг турдошлиги ўрнатилганда истеъмолчида ушбу товарларнинг битта ишлаб чиқарувчига тегишли эканлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлиши имконияти аниқланади.

Апелляция берган шахс ўз апелляциясида товар белгилари сўзли элементларининг бир хиллиги ва алмаштириб юборадиган даражада ўхшашлиги бўйича бир қатор далиллари келтирган. Бироқ, юқорида айтиб ўтилган меъёрларга мувофиқ товарлар турдош бўлиши керак. Апелляция кенгаши товарлар турдошлигини ўрнатишда Қоидаларнинг 114-бандидан келиб чиқди. Хусусан, товарларнинг турдошлигини ўрнатиш учун товарларнинг нави (тури), уларни қўлланиш мақсади, улар тайёрланган материал тури, уларни сотиш шарт-шароитлари, истеъмолчилар доираси ва бошқа белгилар эътиборга олинади.

1. Апелляция кенгаши «чайналадиган сақич» ва «тиш пастаси ва порошоги» товарларининг нав белгиларига кўра турдошлиги бўйича улар турдош эмас деган хулосага келди. Бунга ушбу товарлар турли навларга тегишли эканлиги асос бўлиб хизмат қилди. Хусусан, «тиш пастаси ва порошоги» товарлари тишларни тозалаш учун желе (елимшак)симон массадан ёки фаол кўшимчаларга эга ёки эга бўлмаган кимёвий тиндирилган бўрдан иборат, «чайналадиган сақич» товарлари эса еб бўлмайдиган эластик асос ҳамда турли таъм ва ҳидли кўшимчалардан таркиб топган қандолатчилик махсулоти саналади.

2. Апелляция кенгаши «Қўлланилиш мақсади» турдошлик белгиси бўйича апелляция берган шахснинг далиллари ишончли эмас деб топди. «Тиш пастаси ва порошоги» товарлари тишларни тозалаш ва даволаш-профилактика мақсадлари учун мўлжалланган, «чайналадиган сақич» товарлари эса тоза ҳаво олиш (нафасни тозалаш) ва кўнгил очиш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

3. Апелляция кенгаши «Товарлар тайёрланадиган материал тури» белгиси бўйича шу фикрга келдики, баҳс қилинаётган ва қарши қўйилаётган белгилар товарларининг таркиби бир хил эмас. Негаки, товарларнинг ўзи ҳар хил турларга тегишли ва қўлланиш мақсади ҳам турличадир.

4. «Товарларни сотиш шарт-шароитлари» белгиси бўйича, гарчи ушбу синф товарлари бирга сотилиши мумкин бўлса-да, асосан улар турли савдо жойларида сотиладилар. «Тиш пастаси ва порошоги» товарлари кўпинча пардоз-андоз товарлари дўконларида, «чайналадиган сақич» товарлари эса озиқ-овқат дўконларида сотилади. Апелляция кенгаши апелляция берган шахснинг тиш пастаси ва

чайналадиган сақич ушбу белги бўйича турдош деган фикрига қўшилмайди. Ушбу товарлар битта савдо шохобчасида, лекин ҳар хил жойда сотилиши мумкин, яъни тиш пастаси бошқа пардоз-андоз воситалари билан, чайналадиган сақич эса ўзга савдо пештахтасида озик-овқат маҳсулотлари билан бирга сотилади.

Апелляцияда кўтарилган «ORBIT» логотипига Wm. Wrigley Jr. Company компанияси муаллифлик ҳуқуқларини муҳофазалашга тегишли масалалар эътиборга олинмайди, Сабаби, улар ЎЗР ИМА Апелляция кенгашининг ваколатига кирмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан номлари тўғрисида»ги Қонунининг 10 ва 24-моддаларига асосланиб, Апелляция кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «ORBIT» товар белгисига Ўзбекистон Республикасининг MGU 15914-сонли гувоҳномасини қонуний кучга эга эмас деб эътироф этиш ҳақида Wm.Wrigley Jr. Company, US томонидан тақдим этилган апелляцияни қаноатлантириш рад этилсин.

2. «ORBIT» товар белгисига Ўзбекистон Республикасининг MGU 15914-сонли гувоҳномаси ўз кучида қолдирилсин.

Решение Апелляционного совета от 28.10.2011 г., принятое по результатам рассмотрения апелляции, поданной Wm.Wrigley Jr. Company, US, о признании недействительным свидетельства Республики Узбекистан № MGU 15914 на товарный знак «ORBIT»

I. Товарный знак по свидетельству № MGU 15914 зарегистрирован в Государственном реестре товарных знаков 02.01.2008 с приоритетом от 11.01.2007 г. на имя ООО «POLYMER BUSINESS GROUP» в отношении товаров 03 класса МКТУ «зубные пасты и порошки».

II. Лицо, подавшее апелляцию, возражает против действительности свидетельства № MGU 15914 на товарный знак «ORBIT» на основании того, что данный товарный знак является тождественным и сходным до степени смешения с ранее зарегистрированным товарным знаком «ORBIT» по свидетельству Республики Узбекистан № 826 в отношении однородных товаров 30 класса - жевательная резинка и ранее зарегистрированным товарным знаком «ORBIT DROPS» по международной регистрации № 779272 на имя Wm.Wrigley Jr. Company в отношении товаров 03 класса - кондитерские изделия для косметического использования, в частности жевательные резинки, пастилки, леденцы, карамели, конфеты и драже для рассасывания для косметических целей.

Таким образом, по мнению лица, подавшего апелляцию, регистрация товарного знака по свидетельству MGU 15914 с приоритетом от 02.01.2008 года на товарный знак «ORBIT» была произведена с нарушениями норм ст. 10 п. 13 Закона Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров».

Далее лицо, подавшее апелляцию, приводит свои доводы, отраженные в апелляции.

Схожесть до степени смешения товарных знаков «ORBIT» и «ORBIT DROPS» очень высокая, поскольку имеется вхождение одного знака в другой, что подпадает под п. 107 Правил. Кроме того, доминирующим и сильным элементом в словосочетании «ORBIT DROPS» является слово «ORBIT», поскольку именно это слово наиболее влияет на различительную способность данного товарного знака.

Далее лицо, подавшее апелляцию, приводит анализ однородности товаров оспариваемого свидетельства MGU 15914 и защищаемых регистраций 826 и 779272 в соответствии с Правилами, в частности с п. 114 Правил, который гласит: «При установлении однородности товаров определяется принципиальная возможность возникновения у потребителя представления о принадлежности этих товаров одному производителю. Для установления однородности товаров принимается во внимание род (вид) товаров, их назначение, вид материала, из которого они изготовлены, взаимодополняемость либо взаимозаменяемость товаров, условия их реализации, круг потребителей и другие признаки».

По мнению лица, подавшего апелляцию, жевательная резинка «ORBIT», паста зубная «ORBIT» и порошок зубной «ORBIT» с точной вероятностью принимается обывателем как произведенные од-

ним изготовителем. Для установления однородности товаров мы принимаем во внимание вид товара и в нашем случае жевательные резинки, зубные пасты и порошки относятся к товарам одного вида.

Потребителями этих товаров являются люди. Все вышеперечисленные товары предназначены для ухода за полостью рта и зубами, изготовлены из веществ, благоприятно влияющих на полость рта. Чаще всего в состав этих продуктов входят подслащающие вещества (сахарин и его производные), загустители, абразивные вещества (карбонат кальция), ароматические вещества, консерванты-анти-тисептики и пр. Таким образом, составы зубных паст, порошков и жевательных резинок содержат очень много одинаковых компонентов, что делает их схожими до степени смешения.

Немаловажным фактором является взаимозаменяемость или взаимодополняемость жевательных резинок и зубных паст (зубных порошков). Факты взаимозаменяемости или взаимодополняемости очевидны. Действительно, большая часть населения по утрам и вечерам чистит зубы пастой или порошком, а в течение дня употребляет жевательную резинку постоянно, как минимум после принятия пищи. И чистка зубов и употребление жевательной резинки нацелены в качестве средства гигиены на освежение полости рта и укрепление зубов, чтобы зубы были здоровые и белые. И чистка зубов зубной пастой или порошком и жевательная резинка, которую предлагает Wm. Wrigley Jr. Company, US, в том числе борются с кариесом, удаляют налет, отбеливают зубы и освежают дыхание. Здоровые зубы - это визитная карточка любого человека, а потому вопрос чем именно за ними ухаживать и как часто актуален для всех.

Принятая Международная классификация товаров и услуг для регистрации знаков (далее - МКТУ) не влияет на оценку однородности товаров и услуг. Так и в нашем случае, несмотря на то что «жевательные резинки» относятся к 30 классу товаров, а «зубные пасты и порошки» - к 03 классу товаров, они являются однородными, а соответствующие рубрики в классификаторе - смежными. К тому же согласно международной регистрации 779272 фирма Wm. Wrigley Jr. Company, US имеет исключительное право на товары 03 класса, в том числе и на рубрику «жевательные резинки».

В рассматриваемой апелляции, принимая во внимание место продажи товаров, а именно жевательных резинок и зубных паст (зубных порошков), можно констатировать, что все эти товары реализуются в аптеках, супермаркетах, гастрономах и пр., в отделах для ухода за полостью рта. Таким образом, при покупке товара потребитель будет полностью уверен, что приобретает товары одного и того же производителя, и тем самым товары фирм Wm. Wrigley Jr. Company, US и ООО «POLYMER BUSINESS GROUP», UZ смешиваются, что нарушает основную функцию товарного знака - отличать товары одного производителя от однородных товаров другого производителя.

В рассматриваемой ситуации в результате применения тождественных или сходных до степени смешения товарных знаков разными изготовителями для перечисленных выше заявленных и противопоставленных товаров у потребителя может возникнуть представление о принадлежности этих товаров одному изготовителю.

